

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

МАВЛОНОВ АСЛОН АКРАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГИДРОГЕОЛОГИК ТИЗИМЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ МЕТОДОЛОГО-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Мавлонов Аслон Акрамович Ўзбекистоннинг гидрогеологик тизимлари ривожланишининг методолого- услубий асосларини такомиллаштириш.....	4
Мавлонов Аслон Акрамович Совершенствование методолого-методических основ развития гидрогеологических систем Узбекистана	28
Mavlonov Aslon Akramovich Improvement of the methodological bases of development of hydrogeological systems of Uzbekistan	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

МАВЛОНОВ АСЛОН АКРАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГИДРОГЕОЛОГИК ТИЗИМЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ МЕТОДОЛОГО-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/GM15 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрогеология ва инженерлик геологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шерфединов Лензи Зекерьяевич

Геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иргашев Юлдашбай

Геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Мягков Сергей Владимирович

Техника фанлари доктори

Подольный Олег Владимирович

Геология-минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Сейсмология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.T.03.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «29» ноябр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси-2.Тел./факс: (998971) 227-10-32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (65 рақам билан руйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч. 2. Тел: (998971) 226-46-00

Диссертация автореферати 2018 йил «16» ноябрда тарқатилди.
(2018 йил «16» ноябрдаги 65 рақамли реестр баённомаси)

К.А. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Д. Тураходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

К.Н.Абдуллабеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Ер ости сувларининг ичимлик суви манбаи сифатида, бутун дунёда стратегик аҳамиятга эга эканлиги етакчи илмий марказ мутахасислари томонидан эътироф этилган. Сув ресурсларининг талабга мос захираларини ҳосил бўлиш қонуниятларини аниқлаш ва излаб топиш, улардан оқилона фойдаланишнинг самарали ва илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса кўпчилик давлатларда ичимлик суви танқис бўлган аҳоли пунктлари ва саноат корхоналарини сувга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳон микёсида гидрогеологик тизимлар ривожланишини ўрганишнинг услубий асосларини такомиллаштириш ва сув ресурслари истиқболини баҳолаш бўйича кенг миқёсли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ер ости сувларининг ҳаракатланиш ва тарқалиш қонуниятларини аниқлаш, гидрогеологик тизимларни моделлаштириш, ўзгарувчан сув-хўжалик шароитларида ер ости сувлари захираларини қайта баҳолаш, ер ости сувларидан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ер ости сувлари ресурсларини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш, гидрогеологик тизимларни хариталаш, ер ости сувларини мониторинг юритиш тизимларини оптималлаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш катта аҳамиятга эга.

Республикада ер ости сувлари конларини қидириб топиш, уларни захираларини аниқлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда, жумладан ичимлик сувига муҳтож бўлган 500 га яқин аҳоли пунктларини ер ости сувлари ҳисобига эҳтиёжини таъминлаш асосланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизини қуришини қишлоқ хўжалиги ҳамда инсон ҳаёти ва фаолиятини ривожланишига салбий таъсирини енгиллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш»¹ вазибалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Ўзбекистоннинг ер ости суви тизимлари ривожланишининг методолого-услубий асосларини такомиллаштириш ва сув-хўжалик шарт-шароитлари ўзгариши ҳисобига ер ости сувларини қайта баҳолашга қаратилган илмий изланишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2954-сон «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 июндаги 430-сон «Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни янада тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал-хомашёни қайта ишлаш)» устувор йўналиши талабларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Гидрогеологик тизимлари ривожланишининг методологик асосларини яратиш ва уларни хариталашга йўналтирилган илмий изланишлар кенг миқёсда жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: U.S.Geological Survey (АҚШ), Federal Institute for Geosciences and Natural Resources (Германия), Institute of hydrogeology and Environmental geology (Хитой), Умумроссия гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти (Россия), Геохимия ва геофизика институти (Белорусия), Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Гидрогеологик хариталаш, районлаштириш ва уларни тизимлаштиришга оид олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тектоник ёриқларнинг гидрогеологик тузилмалари шаклланиши ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш жараёнидаги аҳамияти аниқланган (U.S.Geological Survey, США); дунёнинг трансчегаравий сувли қатламлари харитаси тузилган (Federal Institute for Geosciences and Natural Resources, Германия); Осиёнинг гидрогеологик мазмундаги хариталари тузилган (Institute of hydrogeology and Environmental geology, Хитой); Россия ҳудуди регионал гидрогеологик районлаштирилган (Умумроссия гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Россия); ер ости сувларнинг тоғ-жинслари кристалларида жойлашиш қонуниятлари аниқланган (Геохимия ва геофизика институти, Беларусия); чуқур ер ёриқлари тарқалган зоналаридаги палеозой ётқизикларида ер ости чучук сувларининг ҳосил бўлиш хусусиятлари аниқланган (Гидрогеология ва муҳандислик институти, Ўзбекистон).

Дунёда гидрогеологик тизимларнинг ривожланишини асослаш ва уларнинг тузилишларини аниқлашга қаратилган устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: регионал геоструктураларда гидрогеологик тизимларнинг турларини аниқлаш; ер ости сувли қатламларини хариталаш ва районлаштиришнинг усулларини такомиллаштириш; ер ости сувлари мониторингини юритишда замонавий

²Диссертация мавзусига умумий нуктаи назар хорижий қарашлар асосида ишлаб чиқилган: <http://earthpaper.net>; <http://ngtp.ru>; <http://geokniga.org/boks>; <http://geologinfo.ru>; <http://docplayer.ru>; <https://oilandgasgeology.ru> ва бошқа манбалар.

ахборот технология усуллари жорий этиш; ер ости сувларининг бошқариладиган захиралари шаклланишининг технологик асосини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республиканинг гидрогеологик тузилиши мазкур муаммога доир Россия, Украина ва бошқа чет эл давлатлари муасссалари ва ташкилотлари томонидан эришилган илмий ютуқлардан фойдаланилган ҳолда ўрганилган. Турли вақтларда мазкур масаланинг айрим жиҳатларини ўрганиш ва ҳал қилишда Альтовский М.Е, Антыпко Б.Е, Вишняков А.С, Дустходжаев Х.Р, Ишанкулов Р, Каширская Т.В, Кенесарин Н.А, Маринов Н.А, Мирзаев С.Ш., Островский Л.А, Султонхўжаев А.Н ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшган. Ўтган асрнинг 50-70 йилларида Ўзбекистонда 1:200 000 микёсда гидрогеологик хариталаш ишлари ўтказилган. Ўтказилган хариталаш материалларини умумлаштириш асосида 1972 йилда академик Ғ.А.Мавлонов таҳрири остида «ЎзССР гидрогеологияси» монографияси нашр қилинган.

Ҳозирга қадар ўз илмий ва амалий аҳамиятини сақлаб турган ушбу фундаментал иш, геология ва гидрогеология фани янгиликлари нуқтаи назаридан ўз мазмун-моҳиятини қайта кўриб чиқишни таъқазо қилади. Ушбу муаммо тизимли ёндошиш ва «мобилизм» назариясининг методологик асослари негизида ҳал қилиниши мумкин. Шу билан бирга агар гидрогеологик тизим архитектураси «фикцизм» принципларида тузилганда, унда «мобилизм» асосида уларни шаклланиши ва эволюциясини акс эттириш, шунингдек уларнинг ҳозирги ва кутилаётган ҳолатини баҳолаш имкониятини беради. Бундай далиллардан – гидрогеологик тизимлар турли флюидлардан ва газлардан, яъни турли агрегат ҳолатидаги ва ҳаракатчанлиги турли даражадаги компонентлардан иборат бўлган кўп фазали мажмуани ифодалайдиган геолого-структуравий субстратдир. Чучук ер ости сувлари гидрогеологик тизимнинг энг кўп талаб қилинадиган «фойдали қазилмалари» ҳисобланади. Аммо олиб борилган баҳолаш ишлари Ўзбекистонда уларнинг ресурслари ўтган асрнинг 60 йиллардан бошлаб камайиб кетаётганлигини кўрсатмоқда. Ер ости сувларининг ҳосил бўлиш шароитини ўзгариши регионлараро ва трансчегаравий техноген омиллар сабабли юзага келган бўлиб, улар ер ости сувларининг сифатига сезиларли даражада таъсир кўрсатди ва уларнинг конларидаги балансда турган эксплуатацион захираларини, балансдан ташқаридаги захираларга ўтказишга олиб келди. Бу каби салбий экологик омиллар мамлакатнинг бир қатор регионларида ҳам юзага келган. Бунинг устига дунёнинг етакчи илмий марказлари томонидан башорат қилинаётган иқлим ўзгариши, уларнинг ноаниқлигига ва мавҳумлигига қарамай, сув ва сув ресурслари масаласини нафақат концептуал ҳолатда балки, амалиётда ҳам, энг муҳим ва ҳаётий зарур бўлган муаммолар қаторига кўтармоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф8-ФК-018854 Ф8-007 «Гидрогеологик

тизимларнинг шаклланиши ва ривожланишни замонавий илмий қарашларни тартибга солиш» (2012-2017) ва А-7-032 «Суғориладиган массивлар ер ости сувларининг бошқариладиган захираларини шакллантириш ва фойдаланиш усулларини такомиллаштириш» (2014-2017) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ҳудудида тектогенезни ҳисобга олган ҳолда мобилизм асосида гидрогеологик тизимлари ривожланишининг методолого-услубий асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гидрогеологик хариталашнинг методолого-услубий жиҳатларини тизимлаштириш;

эволюционизм нуқтаи назаридан регионал даражадаги гидрогеологик тизимларни ташкил этилиш даражасининг ўзига хосликлари ва тузилишини аниқлаш;

ер ости сувлари мониторингини юритишни услубий жиҳатларини такомиллаштириш;

гидрогеологик тизимларнинг ҳозирги юқори структуравий ярусининг куйи ярус билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

юқори ярусда жойлашган гидрогеологик тизимлардаги бошқариладиган захираларни шаклланишига турли техноген омилларнинг таъсирини баҳолаш;

гидрогеологик тизимларнинг ўзгарувчан сув-хўжалик шароитда истиқболдаги ҳолатини баҳолаш.

Ўзбекистоннинг гидрогеологик тизимлари ривожланишининг методологик асосларини такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистоннинг гидрогеологик тизимлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида гидрогеологик тизимларнинг шаклланиши ва тарқалиши танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гидрогеологик, дала, эмперик умумлаштириш ва тизимли ёндошув, моддий тизимларни ташкил қилиш даражалари концепцияси ва эволюционизм услубларидан фойдаланилган. Ер ости сувларини регионал ўрганиш ва мониторинг қилишга доир олдинги йиллар материаллари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудида тектогенезни ҳисобга олган ҳолда мобилизм нуқтаи назаридан регионал гидрогеологик тизимлари ривожланишининг методолого-услубий асослари такомиллаштирилган;

илк бор Ўзбекистон ҳудудидаги гидрогеологик тизимларнинг куйи яруси элизия ҳолатда бўлганида, юқори ярусда ҳозирги сув алмашиниш жараёнининг хусусиятлари аниқланган;

техноген омиллар таъсири юқори бўлган ҳудудлардаги ер ости сувларининг регионал ва локал мониторингини юритиш мезонлари ишлаб чиқилган;

илк бор Республиканинг регионал даражадаги гидрогеологик тизимлари учун ер ости сувларининг бошқариладиган захираларини ҳосил бўлиши аниқланган ва уларни баҳолаш усуллари такомиллаштирилган;

Қизилқум регионидаги ер ости сув массивлари ва ҳавзаларининг ҳосил бўлиши ва ривожланиш режими аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг гидрогеологик тизимлари харитаси тузилган;

концептуал қоидалар асосида ер ости сувларининг бошқариладиган захираларини шаклланиши ва фойдаланиш потенциали аниқланган;

ер ости сувларининг регионал ва локал мониторингини юритиш услугиёти такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги олиб борилган ишлар материаллари ва мавжуд гидрогеологик тадқиқотлар ва кўп йиллар давомида регионал мониторинг қилиш тармоқларидаги 1000 дан ортиқ кузатиш қудуқларидан, 600 га яқин конларни ва уларнинг ичимлик суви учун фойдаланилаётган участкаларини текширишдан олинган далилий маълумотлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг гидрогеологик тизимларининг ривожланишини методолого-услубий асосларини такомиллаштириш негизида регионал даражадаги ер ости сувлари тизимларининг бошқариладиган захираларини шаклланиши, баҳолаш ва фойдаланилиши бўйича олиб бориладиган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ер ости сувларининг бошқариладиган захираларининг шаклланиш ва улардан фойдаланиш потенциалини аниқлаш, ер ости сувларини регионал ва локал мониторинг юритиш услугиётини такомиллаштириш, ер ости сувлари ресурсларини кўпайтириш учун гидрогеологик тизимларни ўзгарувчан сув хўжалик шароитида бошқариш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиш Ўзбекистоннинг гидрогеологик тизимлари ривожланишининг методолого-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гидрогеологик тизимлари ривожланишининг методолого-услубий асослари «Ғарбий Ўзбекистон ГГЭ» ДК амалиётига жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 15 августдаги 04/16-спр-сон маълумотномаси). Натижада турли сувли горизонтларда сув алмашилиши ҳамда Шимоли-Шарқий Қизилқум ер ости сувлари конининг шаклланиш механизмини тўғри, ишончли аниқлаш ва ер ости сувлари захираларини 41,4 минг м³/сут миқдорида қайта баҳолаш имконини берган;

гидрогеологик тизимларнинг қўйи яруси элизия (ёпиқ) ҳолатда бўлганида, юқори ярусида ҳозирги сув алмашилишининг ўзига хосликлари «Ғарбий Ўзбекистон ГГЭ» ДКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 15 августдаги 04/16-спр-сон маълумотномаси).

Натижада Китоб-Шаҳрисабз ва Ўнқирғоқ ер ости сувлари конларининг гидродинамик ва гидрокимёвий режимининг ўзгариш қонуниятларини қайта баҳолаш ҳамда уларни мониторинг қилиш тизимини оптималлаштириш имконияти яратилган;

регионал даражадаги суғориладиган ҳудудларда бошқариладиган ер ости сув захираларининг ҳосил бўлиш жараёнлари ва такомиллаштирилган баҳолаш усуллари «Фарғона ГГЭ» ДК амалиётига жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 15 августдаги 04/16-спр-сон маълумотномаси). Натижада Фарғона водийсидаги ер ости сув конлари захираларидан мақсадли фойдаланиш имконини берган;

техноген омиллар таъсири юқори бўлган ҳудудлардаги ер ости сувларининг регионал ва локал мониторингини юритиш мезонлари «Орол бўйи ГГЭ» ДКда амалиётга жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 15 августдаги 04/16-спр-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой сув олиш иншоотида йилнинг турли даврларида уларни тўлдириш имконини берган;

Қизилқум региони ҳавзаларидаги грунт ва қатламлараро сувларининг ҳосил бўлиш режими «Ғарбий Ўзбекистон ГГЭ» ДК амалиётига жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 15 августдаги 04/16-спр-сон маълумотномаси). Натижада Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳавзаларидаги грунт ва қатламлараро сувларидан самарали фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари маъруза шаклида 14 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 59 илмий ишлар нашр қилинган. Улардан 11 та мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацион комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган 9 та республика ва 2 та хорижий журналларида мақолалар нашр этилган.

Диссертация структураси ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 182 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистонда фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган; масаланинг дунёдаги ва мамлакатдаги ўрганилганлик ҳолати, илмий янгилик ва амалий натижаларини баён қилинган, олинган натижаларнинг ишқилилиги асосланган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

килиш, нашр этилган ишлар ва диссертация бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Регионал гидрогеологиянинг илмий натижаларининг баёни ва уни ривожлантириш зарурияти**» деб номланган биринчи бобида гидрогеологик хариталаш ва районлаштиришнинг натижалари ва услубий муаммолари, шунингдек гидрогеологик тузилмалар ва тизимлар тўғрисидаги тушунчалар кўриб чиқилган. Ушбу йўналишда Антыпко Б.Е., Альтовский М.Е., Плотников Н.А., Кенесарин Н.А., Султанходжаев А.Н., Пиннекер Е.Н., Вишняков А.С., Мавлянова Г.А. ва бошқаларнинг ишлари тахлил килинган.

Мамлакат ҳудудларининг гидрогеологик тасвирлаш ва йўналишли тадқиқотлар ўтган асрнинг 30 йилларидан бошлаб мунтазам равишда олиб борилган. Уларнинг натижалари бўйича 1:1000000 (1935) ва 1:500000 (Альтовский Г.А., Бедер Б.А. 1948) миқёсдаги гидрогеологик хариталар тузилган. Умуман олганда, уларда ўша вақт учун тўлақонли бўлган ҳудудий гидрогеология схематик кўринишда акс эттирилган. Ушбу тажриба кўп жихатдан гидрогеологик хариталаш ва районлаштириш услубиётини такомиллаштиришга туртки бўлди.

Ўтган асрнинг 50-инчи ва 90-инчи йилларида Ўзбекистон ҳудудининг ўрта миқёсли гидрогеологик тасвирлаш ишлари яқунланган. Унинг натижаларига кўра 1:200000 миқёсидаги қатор ҳудудлар бўйича давлат гидрогеологик хариталари чоп этилган.

Ушбу материалларни умумлаштириш асосида 2011 йилда муаллиф муҳаррирлигида миқёси 1:500000 бўлган «Ўзбекистон Республикасининг гидрогеологик харитаси» (Абдуллаев Б.Д., Бакиев С.А., Волков В.П., Калабугин Л.А., Красников В.В., Мавлонов А.А., Ниязов Р.А, Соколов В.Н., Султанходжаев А.Н., Пинхасов Б.И., Прядуненко Т.И., Шеглов В.С., ва бошқалар) белгиланган тартибда чоп этилиши билан яқунланган.

Ушбу харитада «ер ости сув ҳавзалари (массивлари) тузилиши-ҳавзаларни (массивлари) тузулмавий элементлари бўшлиғида ички алоқалари ва ҳолати (сув ўтказувчан ва нисбатан сув ўтказмайдиган горизонтлар, комплекслар, қатламлар) ва унинг алоҳида қисмларида (тўйиниш ва чиқиш жойлари), шунингдек маълум бир ҳавзалар билан ушбу ҳавзанинг ташқи бир бирига боғлиқлиги» таърифига амал қиладиган бўлсак айтиш мумкин гидрогеологик тизимларнинг тузулмалари акс эттирилган. Тизимлар деганда ер ости сув ҳавзалари тушинилган. Бундай мулоҳазадан ер ости сувлари ҳавзалари ва массивлари мазмунан, гидрогеологик ҳавзага ва массивга ўхшашлиги ва улар умумий ва алоҳида равишда гидрогеологик тизимлар ҳисобланиши кўрсатилган.

Вишняков А.С. ҳаммуаллифлари билан (1983) Турон плитаси доирасида иккита: Шимолий-Шарқий ва Жанубий-Ғарбий йирик ҳавзаларни ажратган, улар бир-биридан бир қатор чуқур ер ёриқлари билан ва эпиплатформа орогенидан эса чуқур Ғарбий Тянь-Шань дарзликлари билан ажралиб туради.

Бу йирик хавзалар чегарасида иккинчи даражали хавзалар ва гидрогеологик массивлар ажратилган.

Шимолий-Шарқий йирик хавзаларининг иккинчи даражали хавзалари кесимда фаол сув алмашувининг бирлиги, ер ости сув оқимининг шаклланиш майдонининг ва ҳосил бўлиш асосининг умумийлиги билан тавсифланади.

Жанубий-Ғарбий йирик хавзаси фаол ва суғ сув алмашинуви зоналаридан ташкил топган. Геологик структура жиҳатларига кўра ҳар бир хавза алоҳида эканлигини белгилайдиган блок тузилиши эга, бу эса уларда тўйинишнинг классик инфилтрацион жойлари мавжуд бўлмаганда, ҳар бир хавзанинг алоҳида ишлашини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг нашр этилган (миқёси 1:500000) гидрогеологик харитасида А.С.Вишняков томонидан, шунингдек мамлакат ичидаги уларнинг орасидаги даражаларга мос келадиган эпиплатформа орогени ва геосинклинал ҳудудларнинг хавзалари ва массивлари ажратилган.

Аслида, ушбу харитада фиксизм назариясига асосланган тектогенез туфайли юзага келадиган, унда гидрогеологик тизимнинг структураси ҳосил бўлиши, ривожланиши ва шаклланиши, гуруҳланиши ва бўлиниши Ўзбекистон ҳудудий гидрогеологиясининг мавжуд илмий кўриниши акс эттирилган.

Диссертациянинг «**Гидрогеологик тизимларнинг турлари**» деб номланган иккинчи бобида Афанасьев С.Л., Далимов Т.Н., Зайцев И.К., Караванов К.П., Кенесарин Н.А., Лордкипанидзе Л.Н., Мавлонов А.А., Маринов Н.А., Султанходжаев А.Н., Толстихин Н.И., Троицкий В.И., Миркамалов Р.Х., Шерфединов Л.З., ва бошқалар маълумотларини таҳлил қилиш гидрогеологик тизимларнинг ташкил этилиши геологик субстратнинг тузилиши билан белгиланиши кўрсатилган.

Ўтказилган изланишлар қуйидагиларни кўрсатди:

мамлакатнинг тектоникаси турли даражадаги ташкилий ва тузилмалар геоструктуралари орқали шаклланган. Тузилиш тартиби–иерархик. Геоструктуранинг синиқли узилмалари, уларнинг ёриқли тектоникасини белгилайди.

геоструктураларнинг бурмаланган пойдевори томеозой қаватлардан ҳосил бўлган, ғилофи эса киммерий ёки альп қатламларидан иборат. Уларнинг ҳозирги геотектоник кўриниши, янги тектоник ҳаракатлар натижасида ҳосил бўлган.

геоструктура морфологияси (ғилоф ва фундаментни қалинлиги, дарзликлар амплитудаси, ва бошқалар) моддий динамик контент билан бир қаторда нафақат тектоник таъсир оқибатларини акс эттиради балки содир бўлган ва давом этаётган гиперген, гидротермал, метасоматик, магматик ва бошқа жараёнлар ва таъсирларни акс эттиради.

Шунингдек, тектогенез жараёнига геоструктуранинг ажралмас таркиби ҳисобланган гравитацион шаклдаги ер ости сувлари ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу мазмунда тоғ жинсларининг мустаҳкамлилиги ва бошқа жисмоний-

механик хусусиятлари, геотузулмаларда гидродинамик ва гидрокимёвий жараёнларни кинетикаси аниқланади.

Геологик ва структуравий субстратларнинг тектоникаси ёки гидрогеологик тизимларнинг геотектоник таркиби уларнинг юзага келиши, умумий тузилишлари, ишлаш тартиби, иерархик тартиби, ривожланиш йўналиши, амалий ахамияти ва бошқа хос хусусиятларини белгилайди.

Бу каби ходисаларнинг бир-бирига боғлиқлигида регионал геотектоника, регионал гидрогеологиянинг моддий асосини ташкил этади.

Геологик структура субстратининг вазифаларини шундай мазмунда тушуниш Қизилқум ҳудуди мисолида текшириб кўрилди.

Қизилқум блоки (тўплам) - Киммерий ва Альп бурмаланиши натижасида бўлакланган неотектогенез блоки, ороген олди туркумидаги геоструктуралардир. Горст-антиклинал ва грабен-синклинал-геоструктураларида ер ости сувли массивлари ва ҳавзалари учрайди.

Ҳавзалар учун мезозой гуруҳининг ётқизиқлари ғарбдан шарққа кесимларда тушиб қолиши ва «гуруҳнинг тепасида» ғилофнинг қалинлигининг умумий юпқаланиши хосдир.

Тузилмаларни шакллантирадиган, сув ўтказмайдиган қатламлар бўр ва палеоген ётқизиқларида учрайди, майдон бўйлаб эса айрим синклиналларда учрайди.

Неотектоник комплекснинг кескин чегаралари, плиоцен ажратувчи қатламлари билан юзага келади ва улар Шарқий Қизилқум ҳавзаси учун хосдир.

Ороген олди системасининг ушбу гуруҳлари 150 дан 500м гача чуқурликда термал шу жумладан субтермал ва гипертермал сувларининг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Эҳтимол, бу ҳолат негизнинг сайёз жойлашиши ва чуқурликдаги иссиқлик энергиясини юқорига йўналган оқимида боғлиқдир. Ёғингарчиликнинг камлиги сабабли арид иқлим шароитида суви кам, ҳавзаларнинг сувлари ҳам камдир.

Асосан дарзликлар сувли бўлиб, кливажли ёриқлари эса кам сувли бўлиб, улардаги сувлар дарзликларга оқиб ўтади. Баъзида ёриқларидаги дарзликларда эзилган глиналари, майда заррали гил ва бошқа материаллар билан тўлдирган, бу эса уларни сув ўтказувчанлигини пасайтиради. Буларнинг барчаси ҳавзаларда сув алмашуви тезлигини пасайтиради ёки «турғун блоклар» ҳосил қилади.

Қизилқум ҳавзаларига хос хусусияти мезозой қирқимининг ўрта қисмида сувли шунингдек сувга ўтказмайдиган юқори бўр свиталари ёки подсвиталари билан чекланганлигида намоён бўлади. Яна бир ўзига хос хусусияти антропоген даврига тегишли бўлган коллювиал-делювиал-пролювиал ётқизиқлари қатламининг қалинлиги (250 м дан ортиқ) билан боғлиқ бўлиб, сувли қисмида уларнинг қалинлиги 150 м этади. Антропоген даври терриген ётқизиқларининг етарлича қалин қатламини мавжудлиги,

Қизилқум неотектоника структураларига тегишли эканлиги тўғрилигини тасдиқлайди.

Қизилқум тизимининг учинчи хос хусусияти ҳавзаларининг тузилишида кўринади. Шундай қилиб ғарбий ҳавзалар (Базаубайский, Тахтақўпир ва б.) икки қатламли бўлиб, сувли ва сув ўтказмайдиган киммерий даврига мансуб бўлган қатламлараро сериясидан, кам сувли ва сув ўтказмайдиган комплекс асосларидан ташкил топган, альп сувли серияси эса сув алмашинувининг юқори қатламларида ер ости сувлари маҳаллий сув ҳавзаларни ташкил этади. Базаубай қудуғи кенглигидан шарқ томондаги ҳавзалар уч қатламли тузилишга эга. Юқори қатлам асосан альп даври серияларига мансуб бўлган ер ости сувларидан ҳосил бўлган, ўрта қатлам сувли ва сув ўтказмайдиган киммерид сериясига мансуб қатламлардан, қуйи қатлам эса сувли, кам сувли герцин ва каледон даврларига мансуб бўлган комплекслар, ёриқ ва порали ёриқли босимли сувлардан ташкил топган.

Ушбу ҳавзаларнинг грунт ва босимли сувлари, сув алмашиш хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳавзаларга сизиб чиқади ва шўр тузли ерларни ёки ўта шўр кўлларни ҳосил қилади. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Қизилқум тизимининг марказий қисмидан сув ҳавзасининг ҳудудий йиғиладиган томонга (Орол денгизига) қараб ер ости сувлари ҳаракатланмайди.

«Ер ости сувлари конлари»нинг, «маҳаллий-ҳудудий тизимлар қаторидаги ўрнига аниқлик киритиш мақсадида гидрогеологик объектларининг турлари кўриб чиқилди. Ушбу турлар қаторида «ер ости сувлари тўпланиши» қуйи ўринларни эгаллайди.

Конлар сифатида улар «йиғилган-қазиб олиш комплекслари» кўринишидаги табиий-техник тизимлар шаклига айланади. Ушбу ҳолатда улар мезолокал, маҳаллий ва сублокал даражаларда кузатилиши мумкин (1 -жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон гидрогеологик тизимлари турлари

Тизимларнинг даражаси ва майдони, км ²	Ажратиш принципи	Олдиндан белгиланиши ва дастлабки сабаблари	Гидродинамик жihatлар бўйича кўриниш шакли
Биринчи (регионал усти) $p \cdot 10^5 \div 10^6$	Геологик тузилиш	Геологик-тузилмавий, иқлимий ва гидрогеологик	Улкан ҳавзалар ва улкан массивлар, грунт, босимсиз қатламлараро сувлар бурмаланиш областлари ва баландлиги ўзгарувчанлиги ёки кенгайган жойлар.
Иккинчи (йирик регионал) $p \cdot 10^4 \div 10^5$	Худди шу гидродинамик тузилиш	Худди шу ҳамда техноген	Катта ҳавзадаги грунт ва қатламлар аро сувлар, катта массивдаги грунт ва қатламлараро сувлар
Учинчи (мезо-регионал) $10 \div p \cdot 10^4$	Худди шу	Худди шу	Мезомассивдаги грунт сувлари ва қатламлараро сувлар, мезо-ҳавзадаги грунт сувлари ва қатламлараро сувлар
Тўртинчи (регионал) $10^3 \div 10^4$	Худди шу	Худди шу	Ҳавза, қатламлараро ва грунт сувлари массиви.

Тизимларнинг даражаси ва майдони, км ²	Ажратиш принципи	Олдиндан белгиланиши ва дастлабки сабаблари	Гидродинамик жихатлар бўйича кўриниш шакли
Бешинчи (субрегиональный) $p \cdot 10^2 \div 10^3$	Худди шу литофаиал чегаралар		Грунт сувларининг оқими ва оқим зоналари (транзит, тарқалиш ва қатламлашиш)
Олтинчи (макро минтақавий) $+ 10 \div p \cdot 10^2$	Худди шу (оқим худудлари орасидаги чегаралар)	Худди шу (сув оқимининг ичидаги фильтрация жихатидан турличалиги)	Маҳаллий гидродинамик иншоотлар – табиий ва суъний, сув оқими, суғориладиган ер участкалари, ер ости сувларининг ифлосланиш манбалари ва бошқалар.
Еттинчи (мезо-минтақавий) $1 \div 10$	Худди шу	Худди шу	Вақтинчалик сув оқимини йиғилиши, суғориладиган ерлар, гуруҳли сув олиш иншоатларининг минтақавий гидродинамик тузилмалар ассоциацияси. .
Саккизинчи (минтақавий) $0,1 \div 1$	Худди шу	Худди шу	Жарликларда йиғиладиган сувлар, суғориладиган майдонлар харитаси, сув олиш иншоати ва ифлосланган сувларнинг йиғиш хавзасининг минтақавий гидродинамик тузилмалари.
Тўққизинчи (суб-минтақавий) $> 0,1$	Худди шу	Худди шу	Ёрик (сувли қатламлар) ёки оддий сув тизимлар ассоциацияси.

Кўриниб турибдики гидрогеологик тизимларнинг ўрни геологик структуралар субстрати билан белгиланади.

Бу бобда «ер ости сувлар конлари» тушунчасига тариф берилган ва ушбу тариф «фойдали қазилма конлари» тўғрисидаги умум эътироф этилган тушунча билан мос келиши асосланган.

Фойдали қазилма конлари ўртасидаги асосий фарқ, ер ости сувлари замонавий сув алмашуви рўй берадиган тузилмалар қатламидаги оқиш жараёни ҳисобига ресурслар билан тавсифланади. Пастки қатламларда эса фойдали қазилмалар конлари билан уларнинг заҳиралари бир хил баҳоланади.

Ўзбекистон бўйича регионал даражадаги гидрогеологик тизимларининг ривожланиши турли хил бўлиб, уларнинг тузилиши ва ҳозирги ҳолати, сувли ва бошқа қатламларнинг биргаликда ривожланиши натижасидир.

Диссертациянинг «Ўзбекистон гидрогеологик тизимларининг тузилиши» деб номланган учинчи бобда янги, Альп ва Киммерий бурмаланиш даврлари гидрогеологик тизимларининг тектоник режими, уларнинг тизимини шакллантириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Ажратиш тоифаси бўйича мамлакат ҳудудида геологлар, тектонистлар ва геофизиклар сингари платформа (квазикратон), перикратон, периороген, ороген (постплатформенные) ва геосинклинал гидрогеологик тизимлар ажратилди. Ушбу тизимларнинг ўзига хос хусусиятлари регионал ҳудудлар кесимида кўриб чиқилди.

Регионал даражадаги платформа туридаги гидрогеологик тизимлар – шимолий Устюрт ва Ассекадуан ҳавзалари, Қорабаур массиви- Устюрт мезоҳавзасининг қисми ҳисобланади, у бўлса Турон макро ҳавзасини қисми

ва сўнгиси- Скиф-Турон мегаҳавзасини қисми ҳисобланади. Ушбу тизимларнинг геологик тузилиши эпигерцин тектоник комплекслардан ташкил топган.

Платформа туридаги тизимлар кўп қаватли ҳавзалар шаклида тузилган. Структуранинг юқори қатламлардаги ҳавзалар (олигоцен-антропоген) ҳозирги кундаги тўйинишнинг етарли эмаслиги туфайли сув алмашувининг секинлашган шакли билан ажралиб туради.

Структураларнинг пастки яруслари элизион режимига эга: палеозой ва палеозойгача бўлган сувли қатламларнинг перм триас давридан бошлаб; юра даврининг юқори юрадан бошлаб; бўр даврининг сувли серияси, юқори бўр давридан бошлаб, ўрта олигоцен- юқори бўр сув ўтказмайдиган свитаси билан тўсилган.

Регионал даражада ташкил этилган перикратон гидрогеологик тизимлар -Орол, Заунгуз - Дарваза, Бухоро - Қарши ҳавзалари ва Султонувайс ёриқ сувлари массиви, Турон макро ҳавзасининг қисмларига қўшилиб кетади. Шунингдек ушбу тизимлар эпигерцин тектоник комплексларга мансуб. Бироқ улар платформа туридаги тизимлардан ва бир бирларидан ҳам сезиларли фарқ қиладилар.

Суғориладиган ҳудудлардаги грунт сувлари массивларида, уларнинг элементар ячейкаларгача ёки гуруҳларгача бўлиниши натижасида сув алмашилиши ҳозирги даврда амалга ошади.

Амалда, бу ерда сув алмашилиши маҳаллий системалари кенгликларида бўлиб ўтади, уларнинг гуруҳланишлари эса, бундайларни регионал (ёки кенг-майдоний) даражага кўтаради.

Орол ҳавзаси таркибида Архангель вали бўлган тектоник комплексга мансуб. Архангель вали бўйлаб бўр даврининг сувли сериялари жойларда ер юзасига чиқади. Шу сабабли ҳавзанинг замонавий сув алмашилишининг юқори яруси бўр ва олигоцен-антропоген даврининг сувли серияларидан тўпланган. Ҳавзанинг валдан ёриқлар билан ажралган, ғарбий ва шарқий блокларида палеоген даврининг сув ўтказмайдиган устки свитаси очилади. Бу ҳолатлар ер ости сувларининг элизион режимини тарқалиш чуқурликларини белгилаб беради ва назорат қилади. Валда – юқори бўрни сув ўтказмайдиган қатламлари остида, блокларда эса палеоген сув ўтказмайдиган устки свитасида.

Заунгуз-Дарвоза ва Бухоро-Қарши ҳавзалари эгикликларга(бурмалар) мансуб. Бу ерда палеозой топалеозой пойдевори мезо-кайнозой формацияларининг ғилофи билан қопланган. Ғилофнинг мезозойга тегишли сувли серияларда, сув ўтказмайдиган қатламлар тарқалган. Кайнозойнинг асосларида палеогеннинг сув ўтказмайдиган уст свитаси кузатилади. Шундай қилиб ҳавзаларнинг бундай структура элементлари элизион режимни ҳосил бўлишини вақтини ва давом этишини белгилаб берган. Бироқ пойдевордан, эгикликлар ғилофини ва куббани кесувчи ёриқлар, ҳавзалар ичида қандайдир тўсиқ ёки уларни алоҳида блокларини боғлаштиради ёки ўзлари сувли бўлиб саналади.

Ҳавзаларнинг замонавий сув алмашилини юқори яруслари Амударё, Зарафшон, Қашқадарё дельталари, Орол денгизининг қуриб қолган тублари, регионларнинг қумли ва текисликлари грунт сувларининг массивларини ташкил қилади. Фаол сув алмашилиш, асосан юқорида номлари келтирилган дарёларнинг суғориладиган ҳудудларидаги грунт сувлари массивларида бўлиб ўтади. Бошқа массивларда сув алмашилиши – секинлашган ёки, эоцендаги сувли свитани тарқалишидаги ҳолат каби – мавжуд эмас. Дельталарнинг сув алмашилиши фаол бўлган грунт сувлари, сув таъминоти учун аҳамиятга эга.

Регионал даражадаги ороген олди гидрогеологик тизимлари – Қизилқум дарзлик сувлари массивлари ва грунт ва қатлам сувлари ҳавзалари гуруҳи фарбда кратон олди, шарқда ороген системалари билан чегараланган.

Ороген олди свиталари, ҳавзаларда «уч ярусли», ёрик сувлари массивларида эса – шартли равишда икки ярусли.

Ҳавзаларнинг юқори структуравий ярусини асосан, вақтнинг тарихий масштабдаги, сув алмашилиши бўлган грунт сувларининг массивлари ташкил этади, Суғориладиган ҳудудларни грунт сувларининг массивлари аввалги ҳолатлар каби, қоидага кўра, регионалга трансформациялашувчи, маҳаллий даражаларда вақтнинг жорий масштабдаги сув алмашилиши билан тавсифланади. Дарзлик сувлари массивларини юқори яруси – вақтни жорий ва тарихий масштабларида маҳаллий сув алмашилишувига эга. Қуйи ярус дарзлик – томир сувлари регионал сув алмашилишининг – геологик ва тарихий масштабларидаги турига эга.

Ҳавзаларнинг ўрта структуравий ярусини асосан бўрнинг сувли серияси ташкил этади. «Ёриқлар тектоникаси»да шаклланган ҳавзаларнинг блокларидаги серия бўлинмалари, стратиграфик мансубликлари ва калинликлари бўйича анчагина фарқ қилади.

Ороген олди тизимларининг муҳим хусусиятлари, уларнинг термодинамик режимлари ҳисобланади. У қуйи ва ўрта ярусларни кесувчи ва неотектоник даврда ҳаракатсиз бўлган, нисбатан чуқур бўлмаган ётишлардаги (200-350м) ёриқлар зонасининг термал сувларида намоён бўлади. Термал сувлар, эҳтимол пойдевордан чиқиб келади, бу эса геодинамик майдоннинг энергияси тарқалиши билан боғлиқ.

Эпигерцин тектоник комплекслардаги дарзлик сувларининг массивлари икки ярусли. Уларнинг юқори ярусини кливаж дарзлиги, турли конфигурациядаги ёриқлар, карст бўшлиқлари сувлари ташкил қилади. Қуйи ярус чуқур ёриқларни ва турли генезислардаги бўшлиқларини, палеозойнинг сувли тузилма комплексларининг ташкил топган.

Грунт ва қатламлараро сув ҳавзалари палеозойнинг сувли комплексларидан ташкил топган пойдевор устига ётади. Грунт сувларининг массивлари олигоцен-антропоген сувли сериясидан тузилган ва бўрнинг сувли сериясидан эоцен-миоценнинг сув ўтказмайдиган свитаси билан чегараланади. Ушбу ҳавзалар гуруҳи учун мезозой кесимининг қисқариши кузатилади.

Дарзлик ва грунт сув массивлари секинлаштирилган замонавий сув алмашувининг юқори қатламларини ташкил этади. Қатламлараро сувларнинг элизион режими эоценда шаклланган, фундаментнинг дарзлик сувлари эса – альб – сеноманда. Юқори яруснинг дарзлик ва грунт сувли массивларининг истиқболли майдонлари сув таъминотида ишлатилмоқда.

Ўзбекистонда регионал даражада ташкил этилган ороген гидрогеологик тизимлари Ўрта Тянь -Шань гуруҳи ва Жанубий Тянь -Шань гуруҳларидан (Ғарбий ва Фарғона) ташкил топган.

Ороген тизимларининг Ўрта-Тянь-Шань гуруҳи дарзлик сувлари, грунт ва катламлараро сувли ҳавзаларидан ташкил топган. Гуруҳнинг энг йирик тизимлари Пскент, Чотқол ва Қурама дарзлик сув массивлари, грунт ва катламлараро сувлари мавжуд, Тошкент олди ҳавзасидан иборат.

Ороген тизимларининг Жанубий Тянь-Шань гуруҳлари, Фарғона ҳавзалари ва массивлари, Мирзачул, Зарафшон, Китоб-Шахрисабз ҳавзалари ва дарзлик сувларини ҳавзалари ва массивлари. (Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор антиклиналлари)дан иборат.

Ҳавзалар структураси таянч кесимларга кўра, юқори қатламларда (неотектоник сув сериялари) фаол сув алмашуви ва пастки ярусларда элизион режимлари билан тавсифланади (палеогендан, топалеозойгача).

Дарзлик сувлар массивларининг структураси: икки ярусли, юқорисида фаол сув алмашинувчи, қуйида эса –секинлашган.

Ҳавзалар ва массивлар ёриқлар бўйича чегараланган, улар тўсик, сув ўтказувчи ва сувли бўлиши мумкин. Ёриқлар бўйича ер ости сувлари массивлардан оғирлик кучи градиентини йўналиши бўйича ҳавзаларга оқиб ўтади.

Ҳавзалар шаклидаги ороген системалари кўп ярусли, дарзлик сувлар массивлари эса – шартли равишда икки яруслидир. Ҳавзаларнинг юқори структура ярусини неотектонидларнинг қалин сувли серияси ташкил этади. Ушбу ярус сув алмашинишини тезлиги бўйича тезалмашадиган, секинлашган ва турғунгача табақалашган. Дарзлик сув массивлари ҳам сув алмашинуви бўйича қатламлашган. Тез сув алмашинишлар асосан, кливажнинг кириб бориш чуқурликлари ва ёриқларни дарзликлари, маҳаллий гидрографик тармоқнинг йиғиш текисликларигача бўлиб ўтади. Ушбу кўрсаткичлар бўйича дарзлик сувлари массивларида фаол бўлган сув алмашинини зоналари аниқланади. Маҳаллий гидрографик тармоқнинг йиғиш текисликларидан қуйида, сув алмашиниш фаоллиги «секинлашади».

Ороген системаларида ҳам термодинамик режим аҳамиятга лойиқ. Термал сувлар тоғолди, тоғлар оралиғи ва тоғ тизимларида, эгикларга тегишли ёриқ олди қисмларида палеоген ва бўрнинг сувли қатламларининг серияларида учрайди. Ороген олди тизимлари билан таққослаганда, ороген тизимларида термал сув катта чуқурликларда очилади ва уларни кимёвий таркиблари турли-туман.

Геосинклинал тизимлар гуруҳи палеозойнинг ва протерозойнинг сувли комплекслари Сурхондарё (тоғ оралиғи) ва Музрабод, Дехқонобод (тоғ

ичкарисидаги) ҳавзалари ва уларни ўраб турувчи дарзлик ва қатламлараро сувлар (алп, киммерий, герцин, каледон, байкал ва карель) массивларидан иборат. Сурхондарё хавзаси ғилофда палеозой ва протерозойни сувли комплекслари устида ётган киммерийлардан тузилган. Улар альп сув катламларидан, эоценнинг сув ўтказмайдиган свитаси билан ажралиб туради.

Ҳавзалар ва массивларнинг структуравий яруслари ёриқлар билан бирлашган, ёриқлар тўсик, сув ўтказувчи ва сув сингувчи сифатида намоён бўлади. Ушбу тизимларнинг юқори яруслари асосан фаол сув алмашилиши билан, қуйилари эса – агар элизион режим бўлмаса, секинлашган режим билан тавсифланади.

Геосинклинал тизимлар ҳавзалар шаклида – кўп ярусли, дарзлик сувларини массивларда эса шартли равишда икки ярусли. Ҳавзаларни юқори структуравий яруси, улар тектоник асосларининг эгилиши натижасида шаклланган.

Грунт сувли массивлари антропоген даврининг терриген қатламига тегишли. Шунинг учун улар табиий шароитларда, яхши оқимга эга. Сугориш ва дренаж сув алмашилиш жадаллигини оширган. Тоғ олдиларини суғорма деҳқончилик орқали ўзлаштириш, яъни бу жараёнда тузлашган ва шўр грунт сувларидан фойдаланиш, сув алмашилиш структурасини бузиб юборган. Бу эса зона аэрацияда тўпланган тузларнинг сув алмашилиш жараёнига киритишга сабаб бўлди. Бу ҳолатлар ўтган асрнинг 70-80 йилларида Сурхондарё ва Шеробод қуйи оқимларида сувларни ва ландшафтни шўрланишига олиб келди. Трансчегаравий Амударё сувларини келтирилиши мелиоратив ҳолатни биров барқарорлаштирди ва Сурхондарё вилоятидаги дарё олди ва канал олди ер ости сув конлари ҳолатига ижобий таъсир кўрсатди.

Дарзлик сувлари массивлари маҳаллий гидрографик тармоқ орқали йиғилади. Улар эса тизимнинг юқори структуравий ярусини ташкил этади.

Ҳавзаларни ва дарзлик сувларининг массивларининг қуйи структуравий яруслари секинлашган сув алмашилиш ёки эхтимол турғин сув алмашилиш режими билан тавсифланади.

Ҳавзаларни қуйи структуравий ярусларида термал сувлар тарқалган. Улар худди аввалги ҳолатларга ўхшаб, пойдеворга етиб боровчи ёриқларга тегишли ва геодинамик майдон энергияси тарқалиши билан боглик.

Сув билан таъминлаш учун истиқболли бўлган ер ости сувлари майдонлари, сув алмашилиши фаол бўлган системанинг юқори ярусига мансуб.

Умуман замонавий кўринишда Ўзбекистон гидрогеологик тизимлари тузилмаларини айнан шундай таърифлаш мумкин .

Регионал даражада ташкил этилган гидрогеологик тизимлар шу билан тавсифланадики, улар тектогенез натижасида блоklarга ажратилган бўлиб, уларни ҳар бирида бурмаланишни фаза ва эпохалари ўзига хос намоён бўлган ва бу уларни (системаларни) структуралари ва сув алмашилиши ёки сув элизияси хусусиятларининг турли-туманлигини белгилаб берган (яруслар

бўйича тақсимланиши). Тузилмаларнинг тизимларининг турли-туманлигига қарамай, уларнинг замонавий шакллари давом этаётган бурмаланишнинг фазаларида шаклланган, чегараларига эса изохронлик хос.

Регионал тизимлардаги турли-туманлик субрегионал ва маҳаллий даражаларидаги тизимларни ташкил этишда ҳам акс этган.

Диссертациянинг «**Ер ости сувли тизимларининг гидрогеокимёвий ва гидрогеодинамик режими**» деб номланган тўртинчи бобида гидрогеологик тизимлар ҳозирги ҳолатининг гидродинамик ва гидрохимик жихатлари, ер ости сув тизимларнинг шаклланиш хусусиятлари ва бошқариладиган дарё ҳавзаларидаги ер ости сувлари конларидан фойдаланиш, эксплуатацион гидрогеологиянинг тадқиқот дастурларини актуаллаштириш лозимлиги тарифланган.

Замонавий сув алмашинувининг гидродинамик ва гидрокимёвий жихатлари сувлар оқими шаклида ва эриган маҳсулот(моддалар)ларда намоён бўлади. Ушбу йуналишдаги Абдуллаев Б.Д., Альтовский М.Е., Еникеев Н.И., Мавлянов Т.Э., Ходжибаев Н.Н., Самойленко В.Г., Якубова М.А., Попов Г.Н., ва бошқаларнинг тадқиқотларини айтиб ўтиш керак.

Грунт сувлари оқимини ва эриган кимёвий маҳсулотларни тарқалиш хусусиятлари ва мос равишда ҳавзаларда (ва массивларда) тузилмалар ҳосил бўлиши геологик-тузилмалар субстратнинг шакли ва таркиблари билан олдиндан белгилаб берилади. Бу оқимлар арид шароитидаги галогенезда фаолият кўрсатади, бу эса чучук сувларнинг озлиги, кенг майдонларда шўр ва ўта шўр сувлар тарқалишлари билан тушунтирилади. Шундай қилиб, ҳудудларнинг умумий ҳозирги геокимёвий структурасида эриган маҳсулотларнинг оқими, уларнинг энг ҳаракатчан ва ўзгарувчан агентлари ҳисобланади ва улар ўзаро туркумланган.

Чўл ва суғориладиган (воҳа) ҳудудларнинг ер ости сувлари массивлари орасидаги принципиал фарқланишлар уларни, замон–макондаги кўрсаткичлари, тўйиниш ва сарфланиш «ўчоқлари»ни тарқалишларида намоён бўлади. Чўл тизимларида сувнинг фильтрациялашиш йўли, тўйиниш чегарасидан сарфланишгача узунлиги ўн-юз км.га, суғориладиган майдонларда ўнлаб-юзлаб метрга етади. Бинобарин, тизимда сув алмашинуви даврлари муҳим даражада фарқланади - чўлда юзлаб-минглаб йиллар, суғориладиган массивларда –соатлар, суткалар, жуда бўлмаганда мавсумлар ва йилларни ташкил этади.

Ўзбекистон ҳудудларида дарё сувлари суғорма деҳқончилик манфаатларида, тоғли чегарадош мамлакатлар ҳавзаларида гидроэнергетика мақсадларида ишлатилади. Марказий Осиё дарё сувларининг мавжуд ресурслари, ҳали унча узоқ бўлмаган ўтмишдаёқ суғориш учун ишлатилиб келинган. Суғоришлар ҳисобига ва региондаги тоғолди, тоғ оралиқлари ва тоғ ичкараси эгикликларида, дарёлар дельтаси сувлари, ер ости сув тизимларини тўлдириш (тўйиниш) манбаи ҳисобланади. Бундай тарзда шаклланган ер ости сувлари етиштириладиган экинларни тўйинишда иштирок этади ва коллектор-дренаж ҳамда дарё тармоғлари орқали йиғилади.

Ер ости сувларининг шаклланишини бундай тартиби тузли оқимларини, зарарли ва ҳавфли ингредиентларни тарқалишини белгилаб беради. Шу сабабли тоғ жинсларидаги сувларнинг буғланиши ва ишқорланиши оқибатида ер ости сувлари шўрланади ва кимёвий ва биологик ингредиентлар билан ифлосланади. Ушбу ҳолатлар бўйича дарёолди, каналолди, тоғости (чиқариш конуслари) ва бошқа турлардаги чучук ер ости сувларининг конлари хўжалик–ичимлик сув таъминоти учун яроқсиз ҳолга келади, уларнинг фойдаланиладиган захиралари эса балансдаги сувлар қаторидан, ичишга яроқсиз ҳолга келади ва балансдан чиқарилади. Лекин бундай ҳолатга қарши чоралар ишлаб чиқиш мумкин. Бир қатор регионларда йўқотилган чучук ер ости сувлари конларини қайта тиклаш учун шароитлар сақланиб қолган. Бироқ бунинг учун эксплуатацион гидрогеологиянинг дастурларида ушбу муаммони ўрганиш, ер ости сувларининг тозалаш ва қайта тўлдириш технологияларни ва сувдан фойдаланиш регламентларини янгилаш бўйича тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

Диссертациянинг «Ер ости сувлари регионал ва локал мониторингининг методологик асослари» деб номланган бешинчи бобида мониторинг тушунчалари, уларни ривожланиш даражалари, чучук ер ости сувлари конларини ҳолатини тезкор баҳолашнинг услубий хусусиятлари тўғрисидаги муаллиф ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган.

Мавжуд илмий тушунчаларни қўриб чиқиш орқали «сув объектининг ҳолати», шу жумладан гидрогеологик тизимлар, маълум ўлчамлар (параметрлари) йиғиндиси билан тарифланади.

Ер ости сув тизимларининг параметрлари, уларни мониторингида кузатилади. Турли параметрлар асосида гидрогеологик тизимларининг мавжудлик хусусиятлари аниқланди. Гидрогеологик тизимларнинг макон ва замонда мавжудлиги, характерли ҳолатлари кетма-кетликда ифодаланганлиги гидрогеологик жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Тизим параметрларининг макон ва замонда ўзгариш режими ёки тартиби уларни характерли ҳолатларда бўлганини тавсифлайди.

Бу мулоҳазалар асосида ер ости сувларининг режими, бу масса ва энергия алмашинувининг характерли ҳолатлари, уларнинг ўзгарувчан параметрларини намоён бўлиши тартибидир. Ер ости сувлари ҳолатининг вақт бўйича интеграл бўлган параметрлари – уларнинг балансларида намоён бўлади. Ер ости сувларини баланси қандайдир бир вақт оралиғида, уларни хос ҳолатда бўлишларини миқдорий нисбатлари самарасини тавсифлайди.

